

---

## **Учкўприк туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Экологлар боғи” ташкил этилди**

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Учкўприк тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Экологик партияси вилоят кенгаши, Экологик ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташабbusи билан 38-умумтаълим мактабида “Экологлар боғи” ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими Аброржон Асқаров иштирок этиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “кузги дараҳт экиш мавсуми” Учкўприк туманида ҳам кенг кўламда ташкил этилаётганини, қишлоқ ва маҳаллаларда, ташкилот ва муассасалар худудларида аҳоли, кенг жамоатчилик, ишчи ходимлар ва фаоллар иштирокида турли мевали, манзарали дараҳт кўчатлари экилаётганини, натижада худудларда яшил майдонлар сони ортиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Тадбир иштирокчилари нуроний отахонлар дуоси билан эзгу ниятда мактаб худудидаги “Экологлар боғи”га 250 туп мевали ва манзарали дараҳт кўчатларини экишди.  
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги эзгу ташабbusларни қўллаб-қувватлаган тумандаги барча ташкилотларда дараҳт экиб, боғ яратиш ишлари қизғин давом этмоқда.

2023-11-27 10:08:36